
Бувайда туманида ёшлар билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Бувайда туманида ёшлар билан очиқ мулоқот бўлиб, уларни муаммолари эшитилди. Жами 100 нафардан зиёд ёшларни – ёш тадбиркорлар, ёшлар етакчилари ҳамда қатор соҳалардан ёшлар вакиллари ўзида жамлаган тадбирда туман прокурори ўринбосари М.Я.Отабоев ҳамда туман прокурори катта ёрдамчиси А.И.Исмоиловлар бошчилигида туман ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Туман прокурори ўринбосари, Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган бугунги кундаги давлат сиёсати замирида ёшларга эътибор ва ғамхўрлик, уларга замонавий билим бериш ва иқтидорини ривожлантириш мужассам эканини қайд этиб, бугун ёшлар келажаги билан боғлиқ ҳар қандай вазифа бирламчи аҳамиятга эга бўлиб турганига эътибор қаратди.

Учрашув давомида қизғин савол-жавоблар форматда ёшларнинг ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича мурожаатлари, таклиф ва ёялари тингланди, уларнинг ҳар бир фикирлари мутасаддилар томонидан алоҳида эътиборга олинди.

2024-10-10 09:45:39